



O'ZBEKISTON  
FANLAR AKADEMİYASI  
TARIX INSTITUTI



"MA'RIFAT"  
YANGI HODISHLAH JAMİYATI

AUEZOV  
UNIVERSITY  
1943

ОШ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSİYALAR VAZIRLIGI  
FARG'ONA POLITEXNIKA INSTITUTI**

**«JADIDLARNING ILMIY-PEDAGOGIK MEROsi: TARIX VA  
ZAMONAVIYLIK» mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani  
materiallari  
(II - to'plam)**



*Farg'ona shahri  
29-30 mart 2024-yil*

**“Jadidlarning ilmiy-pedagogik merosi: tarix va zamonaviylik”** mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari to‘plami. (2024-yil 29-30 mart). O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024 yil 18 yanvar kungi 16-son buyrug‘i ijrosini ta’minalash maqsadida 2024-yil 29-30-mart kunlari Farg‘ona politexnika institutida “Jadidlarning ilmiy-pedagogik merosi: tarix va zamonaviylik” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman bo‘lib o‘tadi.

Ushbu to‘plamda xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari o‘rin olgan. To‘plamda oliy va o‘rta ta’lim muassasalari, ilmiy tekshirish institutlari, Jadidlarning ilmiy-pedagogik merosini o‘rganishga bag‘ishlangan ilmiy izlanish natijalari keltirilgan.

**Anjuman tashkiliy qo‘mitasi:**

Salomov O‘.R. FarPI rektori, t.f.d., professor

Dehqonov Sh.M. FarPI YOBI, MMMB Birinchi prorektor, i.f.b.f.d.

Kambarov J.X., FarPI o‘quv ishlari bo‘yicha prorektori, t.f.d.

Jaxongirov I.J. FarPI o‘quv ishlari bo‘yicha prorektori, i.f.d.

Toxirov M.Q. FarPI fakultet dekani, t.f.b.f.d.

Radjabov Q.K. – O‘zFA Tarix instituti professori, t.f.d.

Sulaymonov M. Farg‘ona O‘zbekiston ;

Ergashev Sirojiddin Fayazovich, Farg‘ona, O‘zbekiston ;

Alimova Nargiza, Farg‘ona, O‘zbekiston;

Qozoqov Tohirjon, Namangan, O‘zbekiston;

Kamilov A. A. FarPI kafedra mudiri t.f.n.

Tuxtarov I. M. FarPI kafedra dotsenti f.f.n.

Yusupov A. A. - FarPI kafedra dotsenti v.v.b., t.f.b.f.d.

Xonqulov Sh.X. - FarPI kafedra dotsenti v.v.b., t.f.b.f.d.

**Taqribchilar:** Alimova N. FarDU, kafedrasi mudiri, Shaxodjayev M. FarPI dotsenti.

**Mas‘ul muxarrirlar:** A.Kamilov, Sh.Xonqulov.

Mazkur to‘plamga kiritilgan materiallarning mazmuniga hamda tanqidiy fikr-mulohazalarga mualliflarning o‘zlari shaxsan mas‘uldirlar.

10. Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана 1937 год, ноябрь (Составители: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э.Ю., Мамажонов А., Дўстматов Э.П.). –Ташкент: Шарқ, 2007.
11. Убайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20-30 йилларда мустабид тузумга қарши миллий мухолифот ҳаракати (маҳаллий зиёлилар фаолияти мисолида).: Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент, 2004.

## **БУХОРО МАҲАЛЛИЙ МАТБУОТИДА МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ ҚОТИЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (“БУХОРО АҲБОРИ” ВА “ОЗОД БУХОРО” ГАЗЕТАЛАРИДАГИ МАТЕРИАЛЛАР АСОСИДА)**

***Ҳайитов Шодмон Аҳмадович, Бухоро давлат университети Жаҳон  
тариҳи кафедраси профессори, тарих фанлари доктори  
Рахмонов Камол Жамолович, Бухоро давлат университети Жаҳон  
тариҳи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.***

**Аннотация.** Мазкур мақолада Туркистан жадидларининг “гоявий отаси” ҳисобланган Маҳмудхўжса Беҳбудийнинг фојсеали ўлими ва унинг қотили бўлган Нуриддин Хўжса Оғалиқ исм-шарифли шахс тақдирни билан боғлиқ маълумотлар келтирилган. Шунингдек, БХСР миллий матбуоти органлари бўлган “Бухоро аҳбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида 1920-1924 йилларда босилган хабар ҳамда мақолалар таҳлили орқали юқоридаги жиҳатларга бир қадар аниқлик киритилган.

**Калим сўзлар:** жадидчилик, муфти, ислом фикҳи, Дума, муҳторият лойиҳаси, Самарқанд комиссияси, уишр, қабр жойи, ижроия комитети, ҳукумат органи

**Аннотация.** В данной статье представлены сведения, связанные с трагической гибелью Махмудходжи Бехбуди, считавшегося “идеальным отцом” джадидов Туркестана, и судьбой лица с конкретным именем Нуриддина Ходжи Огалика, который стал его убийцей. Также, благодаря анализу сообщения и статей, напечатанных в 1920-1924 годах в газетах “Бухара аҳбори” и “Свободная Бухара”, органах национальной печати БНСР внесена некоторая ясность в вышеуказанные аспекты.

**Ключевые слова:** джадидизм, муфти, исламский факих, Дума, проект автономии, Самаркандская комиссия, десятина, место захоронения, исполнительный комитет, правительственный орган

**Annotation.** This article presents information related to the tragic death of Mahmudhoja Behbudi, who was considered the “ideological father” of the Jadids of Turkestan, and the destiny of a person with the specific name Nuriddin Khoja Ogalika, who became his murderer. Also, thanks to the analysis of the message and articles published in 1920-1924 in the newspapers “Bukhara Akhbori” and “Free Bukhara”, the organs of the national press of the BPSR brought some clarity to the above-mentioned aspects.

**Keywords:** Jadidism, mufti, Islamic faqih, Duma, project of autonomy, Samarkand Commission, tithe, burial place, executive committee, governmental body

Жадидчилик ҳаракати тарихи ва жадид мунавварларининг ҳаёт йўллари, фаолиятлари ҳақида тадкиқотларянги паллага кирган ҳозирги кунларда долзарб ишлар, мақолалар эълон қилинмоқда. Туркистон жадидларининг “ғоявий отаси” ҳисобланган Маҳмудхўжа Беҳбудий (1874-1919)нинг тараққийпарварлик фаолияти, маънавий-илмий мероси, педагогика соҳасига қўшган беқиёс ҳиссаси тарихда ўчмас из қолдирган. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг тарихий тақдири, фожиали ўлими ва ҳаётига зомин бўлган қотиллар ҳақида фикр юритишдан олдин, ушбу тарихга номи абадий дахлдор инсоннинг қўп қиррали фаолияти ҳақида муҳтасар фикр юритиш ўринли бўларди. Маҳмудхўжа Беҳбудий насаб жиҳатидан Хўжа Аҳмад Яссавий шажарасига бориб тақалади. Унинг катта бобоси Ниёзхўжа Урганжий Хоразмнинг Урганч шаҳридан бўлиб, XVIII аср ўрталарида Урганчдан Самарқандга кўчган. Унинг отасини исми Сўлтонхўжа бўлиб, Беҳбудхўжа (“беҳбуд” атамаси –“яҳшилик”, “соғломлик”, “фойда”, “нажот” деган луғавий маъноларни билдириган) лақабини олган. Маҳмудхўжа Беҳбудий зиёли, уламо хонадонидан чиққанлиги туфайли диний ва дунёвий илмлардан яхшигина таҳсил олган. Тоғаси Муҳаммад Сиддик хизматида бўлиб, муфти, яъни ислом ҳуқуки билимдонига айланган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз маблағи ҳисобидан мактаб очган, “Нашриёти Беҳбудия” босмахонасини ташкил этган. Самарқанд, Бухоро, Кўқон, Наманган, Тошкент, Андижон шаҳарларида китоб магазинлари очиб, уларда Истанбул, Бейрут, Қозон, Боқчасарой, Оренбург, Санкт-Петербург шаҳарларида, Миср, Эрон, Ироқ, Хиндистон, Афғонистонда чоп этилган китоблар сотилган. У “Беҳбудия” кутубхонаси асос солиб, 1908 йилда иш бошлаган ушбу кутубхонада Кавказ, Крим, Туркия, Юнонистон, Болгария, Австрия, Германиядан шахсий саёҳатлари давомида 1000 жилд китоблар келтирган. Матбуотчилик ишида жонбозлик қилиб “Ойина” журнали, “Самарқанд” газетасига асос солган. Ўзбек замонавий драматургияси асос солиб, “Падаркуш” пьесасини ёзган ва ушбу асарни қозонлик драматург Али Аскар Камол билан саҳналаштирган. Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам фаол қатнашган. У 1916 йил халқ қўзғолони маънавий раҳнамоси, 1917 йил апрелда Самарқанд вилоят ижроқўм вакили, Туркистон муҳторияти лойиҳаси (1907) асосчиси, Туркистон муҳторияти парламенти аъзоси, бир қатор миллий ташкилотлар йўлбошчиси ва ҳоказо. Лазиз Азиззода “Беҳбудий” номли мақоласида: “Агар Ўзбекистонда Навоий ва Улуғбекдан бошқа учинчи кишига ҳайкал қўйиладиган бўлса, шубҳасиз, бу

Беҳбудийнинг ҳайкали бўлғусидур” [1]-деганди. Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон мусулмонларининг биринчи муфтиси бўлиш билан бирга тарих, жуғрофия, этнография, педагогика соҳаларига бағишилаб, ўнлаб асар ва мақолалар яратганди [2, 80].

Юқорида Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида қисқача маълумот келтиришдан кўзланган мақсад, унинг Туркистон халқи орасида обрў-эътибори юксак бўлғанлигига эътиборни қаратишдир. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг таниқли шахс, айни пайтда аҳоли орасидаги юксак ҳурматига қарамай унга ва шерикларига нисбатан шафқатсизларча ўлим ҳукмини ўқиган, бу қабиҳ ишга қўл урган қотиллар ким эди? Нега Маҳмудхўжа Беҳбудий Бухоро амирлиги ҳудудига ҳамроҳлари билан бирга ўтганди? Ўзга мамлакат ҳудудида уни ўлим топиши мумкинлиги билан огоҳлантириувчилар бўлмадими? каби саволларга жавоб излаш ҳамон давом этмоқда. Биргина унинг сабаби ҳақида “беҳбудийшунос” олимлар турлича фикрларни илгари сурадилар. Бу каби қарашларда, 1919-1922 йилларда Биринчи жаҳон уруши сарҳисоб қилинаётган Версал-Вашингтон музокараларида қатнашиб, Туркистон тақдирини билдириш мақсади бўлғанлиги қайд этилади. Иккинчи бир қарашда Туркиядаги Шаҳзода оролларида АҚШ президенти Вудро Вилсон бошчилигидаги мазлум халқлар конференциясида иштирок этиш учун Маҳмудхўжа Беҳбудий йўлга чиққанлиги мулоҳазаси ҳам илгари сурилади. Маҳмудхўжа Беҳбудий Женева (Швейцария) томон йўлга чиқиб, Туркистонда большевикларнинг зўравонлик сиёсатини билдириш учун халқаро ташкилотга меморандум бермоқчи бўлғанлиги билан боғлиқ фикр ҳам илгари сурилган. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёти ва маданий меросини таҳлил қилган зиёлилардан Наим Каримов, Дилором Алимова, Бегали Қосимов, Ҳалим Сайд, Иброҳим Ғофуров кабилар бирламчи манбаларга асосланган мақола ва тадқиқотларини халқимиз ва илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилдилар. Бироқ унинг Бухоро амирлиги заминида сирли ўлим топиши билан боғлиқ ягона тўхтамга келинган эмас.

XIX аср охири-XX аср тараққийпарварлари орасида катта обрўга эга бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий сафарга чиққан ўз шериклари Мардонқул Шомуҳаммадзода ва Муҳаммадқул Ўринбой ўғли билан бирга Бухоро амирлигига қарашли Шаҳрисабзда қўлга олинган ва Қаршига келтирилиб, Қарши беги Тоғайбек буйруғи билан зиндан яқинидаги «подшолик» чорбоғида амирнинг Қарши шаҳридаги волийси Нуриддин Оғалиқ томонидан 1919 йил 25 марта ваҳшиёна ўлдирилганлиги ишлардан ўрин олган. Маҳмудхўжа Беҳбудий сафарига икки ҳамроҳидан ташқари турк

фуқароси Наим Афанди ҳам шериклик қилган. Наим афанди Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг Самарқандда очган мактабида муаллимлик қилган. Бошқа мамлакат фуқароси бўлгани учун уни ўлимга маҳкум этишмаган. Маҳмудхўжа Беҳбудий билан боғлиқ илмий изланишлар билан танишилар экан, «Қарши волийси Нуриддин Оғалиқ» тақдирига тегишли маълумотларга тўла эга бўлинмади. Бу эса ушбу масалада бизни бир мақола доирасида фикр билдиришга даъват этди.

БХСРнинг ўзбек тилидаги матбуот органи «Бухоро ахбори» газетасининг 1923 йил 12 июлидаги сонида “В.Б” имзоси билан “Жабр ва зулм уясида”номи билан, 209-сони (1923 йил 3 октябр)да «Мусоғир» тахаллусли бир шахс «Муфти Беҳбудий ва унинг рафиқларининг ўчи олинди» номли мақолалари[3]ни эълон қилинган. Газетанинг мазкур сонида «Бухоро хабарлари» рукни остида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қабри жойлашган жой билан боғлиқ маълумот ҳам берилган. “Бухоро ахбори”нинг 1923 йил 21 сентябрдаги 204-сонида эса «Нуриддин Хўжа Оғалиқ отилди» номли мақола босилган. «Озод Бухоро»нинг 1923 йил 19 сентябрь 2-сонидаёқ «Беҳбудий вилояти» хабари эълон қилинганлигини ҳам таъкидлаш ўринли бўларди[4].

Араб имлосида, эски ўзбек адабий тилида чоп этилган “Бухоро ахбори” (1920-1923) ва “Озод Бухоро” (1923-1929) газеталаридаги уч-тўрт мақола ва хабарлар атрофида илмий мушоҳада юритишни вазифа қилиб олдик. Айниқса, “Жабр ва зулм уясида” номли мақалада ўша пайтда 70 минг аҳолили Қарши вилояти ижроия қўмитасининг солиқ ва вақф идораси раҳбари Нуриддин Хўжа Оғалиқ Аҳмадхўжа ўғлининг порахўрлиги, аҳолини талаш борасидаги зўравонликдан иборат ноқонуний ишлари далиллар орқали очиб берилган. Унинг ҳовлисидан 13 қоп шакар, 16 минг олчин газмол, катта микдорда олтин тангалар топилгани қайд этилган. Қарши вилоядаги турли мансабларга ҳам унинг қавм-қариндошларига ишлаган. Қайнатаси маҳаллий ижроия қўмитасининг ўринбосари, қуёви ушр идорасининг бошлиғи бўлиб фаолият юритган. Қарши бозорлари ҳар биридан 5-6 пуддан майиз тўплатиб, ўз фойдасига сотиш учун 600 пуд майизни Бухоро бозорларига ўз одамлари билан юборган.

Албатта, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ваҳшиёна ва хиёнаткорона ўлдирилиши халқимизни ларзага солган. 1920 йилнинг апрелида ушбу табаррук инсон туғилган Самарқанд шаҳрида Бухоро амири ва унинг жоҳил амалдорларига қарши умумхалқ намойиши бўлиб, унинг иштирокчилари Беҳбудий қотилларини жазолашни амирдан қатъий талаб қилишган. Халқнинг талаби амир томонидан инобатга олинмаганлиги

ушбу инсоннинг фожиали ўлимида амирлик ва совет ҳукумати маҳфий келишуви борлигини кўрсатади. Совет ҳокимияти йилларида авж олдирилган дискриминация сиёсатининг тифи Туркистон минтақасидаги зиёлларни бирин-кетин йўқотишга ҳам қаратилган эди.

1920 йил сентябр ойи бошида амир ҳукумати ағдарилиб, Бухоро Ҳалқ Шўролар Жумҳурияти ташкил топганидан сўнг, Самарқандда фаолият юритаётган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг шогирдлари, сафдош ва маслакдошлари унинг қабрини излаб топиш, қотилларни аниқлаш ҳаракатига тушишади. «1920 йил ноябрь ойида Самарқанд ёшлари бир комиссия тузуб, Бухоро ҳукумати воситаси билан бу комиссияни Қаршига юборуб, Беҳбудийнинг қабрини излаб топиб, ўлдирилишга сабаб бўлғон одамларни тафтиш қилдирмоқчи бўлдилар. Лекин, у вақт Қарши ҳукумат доирасида эга ва соҳибнуфуз бўлиб ўлтиргон зот Оғолик эди», -деган мазмундаги маълумот келтирилади газетада.

Бухоро Ҳалқ Шўролар Жумҳурияти 9 вилоятдан иборат бўлиб, ушбу вилоятлардан бири Қарши эди. Қаршида ушр-солиқ назорати идорасининг бошлиғи бўлган Нуриддин Оғолик (Нуриддинхўжа Оғалиқ Аҳмадхўжа ўғли-Ш.Х., К.Р.) «Самарқанд комиссиясининг» Қаршидаги фаолиятига йўл қўймаганлар. Қарши шаҳридаги ҳукумат аъзолари эса унинг хоҳиширодасига қарши боролмаганлар. Бу ҳақда «Мусоғир» тахаллусли шахс: «Комиссия бўлиб борғон ўртоқлар Қарши шаҳрининг ҳукумат бошида ўлтиргон одамлардан чунонам хафа бўлиб қайтиб келдилар»- мазмунидаги фикрларни келтиради. Нуриддин Оғалиқ амир даврида эътиборли мансабда ишлаб, шўро ҳукуматида ҳам ўз мавқенини сақлаб қолишига қандай эришди экан? Бу ҳанузгача жумбоқ бўлиб қолаяпти. Нуриддин Оғалиқ комиссия фаолиятига йўл қўймай «ёпиқлиқ қозон ёпиғлигича қолади» деб ўйлаган. Лекин, БХСР ҳукумати тафтиш комиссияси 1923 йилнинг кузидаги Қарши вилояти солиқ идораси фаолиятини тафтишдан ўтказади. Комиссия Оғалиқ ҳамда унинг сафдошлари катта қонунбузарлик ва жиноятга қўл урганлигини аниқлайди. Нуриддин Оғалиқ ва унинг ҳамтовоқлари Ҳожи Абдулазиз Боқиев, Мирзо Маҳмуд Ҳожи Ибод ўғли кабилар олий инқилоб трибунали судига берилганди.

Нуриддин Оғалиқ солиқ идорасининг бошида турганида: «ҳукуматнинг 42 минг пуд буғдойини, 20 минг олтин газмолини ўғирлағон. 2000 қўй, 20000 қоракўл териси бўлғон, меҳнаткашлардан 1000-2000 нафарини ярим оч, ярим тўқ ҳолатда ўз ерларида ишлатғон... Оғалиқнинг қилғон ишларини, жабр ва зулмларини, хиёнатларини ёзиб, учиға чиқариш мумкин эмас», -деб ёзади газета. Ушбу шахснинг

юқоридаги қонунбузарликка қаратилған ҳатти-харакатларига буюк мутафаккир Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаётига зомин бўлганлиги билан боғлиқ жинояти ҳам қўшилган.

Суд «Нуриддин Оғалиқни отишга, қолғон иккисини беш йилга қамоққа олишга қарор қилди. Ҳукм Регистонда бўлиб, 5 мингга яқин киши иштирок қилди». Оғалиқни отиш ҳукми 1923 йил 19 сентябрь кеч соат 7.00 да ижро этилган. Бу ҳақда газета «Беҳбудий ва рафиқларининг ўлдирилишига сабаб бўлғон фуқаро ҳукуматининг молига хиёнат қилган мазкур Оғалиқ 19 сентябрда (1923 йил) одил ҳукуматимиз томонидан отилди, демак, Beҳbuдий ва рафиқларининг ўчлари олинди», - деб ёзади. Шундай қилиб, Оғалиқ Beҳbuдий ўлимидан 4 йил кейин ўзининг жазосини олган. Қотил ўлимидан сўнг Бухоро ҳукумати томонидан Қарши вилояти ижроқўми раиси Жўра Зокирий ҳамда Қарши вилоят фирмўми Назаровлар зиммасига Beҳbuдий қабрини қидириб топиб, уни ҳайкалини ўрнатиш вазифасини юклаган. «Бухоро ахбори»даги бу масала билан боғлиқ хабарни тўлиқ келтиришни лозим топдик: «Маҳмудхўжа Beҳbuдий қабри оз қунда (тез кунда-Ш.Х., К.Р.) топилиб устига ҳайкал ишланиб ётадур. Beҳbuдий ўзининг ўртоқлари билан ҳибсхонанинг ёнида вокзалға қарағон тарафда ҳаммаси бир қабрға кўмилғонлар. Beҳbuдий қабрини излаб топиб устига ҳайкал ишлатишга Қарши вилоят ижроқўми билан вилоят фирмўмининг бошида ўлтиргон Жўра Зокирий ва Назаров ўртоқлар қўпғайрат қилғонлар». Лекин, бу мутасадди шахслар ўзига юклангандан вазифани уддаламаганлиги манбаларда қайд қилинади. Адабиётшунос олим Бегали Қосимов Қарши шахри 1926-1938 йилларда «Beҳbuдий» номи билан аталган деб маълумот берадилар. Лекин, Қарши шахрига эмас, балки вилоятига «Beҳbuдий» номи берилган. «Озод Бухоро» газетасининг 1923 йил 19 октярдаги 2-сонида: «Туркистоннинг машҳур жамоат ходимларидан Bebedийнинг исмини умрбод (абадий) қолдирмоқ учун қурултой (Бухоро Республикасининг 4-қурултойи-Ш.Х., К.Р.) Қарши вилоятини Beҳbuдий вилояти деб исмламакка қарор берди»-деб хабар беради. Демак, Beҳbuдий номи Қарши вилоятига 1923 йилдаёқ берилган. Чунки «Озод Бухоро»нинг кейинги сонларида (1923-1925 йиллар) Қарши вилояти ҳақида фикр билдирилса, уни «Beҳbuдий вилояти» деб қайд қилинганлиги билан боғлиқ маълумотлар учрайди.

Юқорида қайд этилган фикрлар бизда бир қатор савол ва сўроқларни келиб чиқишига сабаб бўлди. Аввало, “Бухоро ахбори”да Маҳмудхўжа Beҳbuдий билан боғлиқ салмоқли мақола ёзган «Мусофир»нинг асл исм-шарифи ким бўлган? Beҳbuдий қотили Нуриддин

Оғалиқни 3 йил давомида Бухоро ҳукумати органларида ишлаб келишига қайси шахслар ҳомийлик қилди экан? Қолаверса, ушбу шахс Бухоро амирлиги даврида ҳам масъул вазифаларда фаолият юритган ахир. Айрим маълумотларда “босмачилар”га Афғонистондан қурол-яроғ сотиб олишда моддий мадад бергани ҳам келтирилади. «Гўри Амир» (Самарқанд) дарвозаси олдида Маҳмудхўжа Беҳбудий бир гурух зиёлилар билан бирга тасвирга тушганлар орасида Оғали(?) деган кишининг ҳам тасвири бўлиб, Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ушбу фотолавҳа берилган[5]. У қайси Оғали? 1917 йил Бухоро аркида апрел манифести эълон қилинган пайтда нафақат бухоролик жадидлар, улар билан бирга Самарқанд вилояти ижроқўмининг раиси Маҳмудхўжа Беҳбудийҳам иштирок этган. Амир Сайд Олимхон жадидлар ва таклиф қилинган меҳмонлар билан қўл бериб саломлашган. Бироқ Маҳмудхўжа Беҳбудийга қўл узатмаган. Нега амир айнан Маҳмудхўжа Беҳбудийга саломлашиш учун қўл узатмаган экан? Қарши вилоятининг ўша пайтдаги раҳбарлари нега ўзларига юклangan юқорида қайд қилинган вазифани охиригача бажармадилар? Бу каби жумбоқли бир қатор саволлар тадқиқотчиларнинг фикрини ўзига жал этиши табиий ҳол. Хуллас, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Бухоро муаммоси” билан боғлиқ тадқиқотларнинг келгусидаги вазифалари бу каби адоги йўқ жумбоқларни ечишга қаратилса аҳамиятли бўларди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Лазиз Азиззода “Беҳбудий” // “Маориф ва ўқитувчи”. 1926. №2. –Б.26.
2. Қаранг. Наим Каримов. Маҳмудхўжа Беҳбудий. –Т. “Ўзбекистон”, 2011. -80 бет.
3. Жабр ва зулм уясида. 1923 йил 12 июл; Мусоғир. Муфти Беҳбудий ва унинг рафиқларининг ўчи олинди. «Бухоро ахбори», 209-сон. 1923 йил 3 октябр.
4. Нуриддин Хўжа Оғалиқ отилди // Бухоро ахбори. 204-сон. 1923 йил 21 сентябр; Бухоро хабарлари рукни. Беҳбудий вилояти //Озод Бухоро. 2-сон. 1923 йил 19 сентябр.
5. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1995 йил 14 апрел.

### **МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАҶРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ**

*Мамадалиев Немат Қаҳорович, фалсафа фанлари номзоди, доцент.  
Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти “Ижтимоий  
фанлар” кафедраси мудири.*

*Аннотация: Мақолада М. Беҳбудийнинг Туркистон жадидчилик харакатининг асосчиси сифатида миллий эринлик, миллат озодлиги, миллат равнақи йўлида, илм-*

21.	JADIDLAR VA JADIDLAR HARAKATINING MARKAZIY OSIYODAGI IJTIMOIY MUHITIGA TA'SIRI Ergashev Ulug'bek Adxamovich.	104
22.	ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТИ ВА САЙДНОСИР МИРЖАЛИЛОВНИНГ ЎЛКА ҲАЁТИГА ОИД МУШОҲАДАЛАРИ Аминжон Юсупов.	109
23.	“MILLIY TURKISTON” JURNALIDA JADIDLAR FAOLIYATINING YORITILISHI Zohidjon Xoldorov.	115
24.	АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИГИ. Қосимов Козимжон Исоқович.	119
25.	FARG‘ONA VODIYSIDA YASHAGAN JADDI ZIYOLILARINING PEDAGOGIK MEROSRLARINI O’RGANISHNING MOHIYATI Oxunova Dilnoza Qaxxorjonovna.	128
26.	МАHMUDXO‘JA BEHBUDIY HAYOTI VA FAOLIYATI Kurbanova Shaxnoza Nimadovna.	133
27.	МУНАВVAR ҚОРИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАДАНИЯТИДАГИ ТУТГАН ЎРНИ Рахматуллаева Ирода Анваровна.	139
28.	МАХМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ “ИККИ ЭМАС, ТЎРТ ТИЛ ЛОЗИМ” МАҶОЛАСИ ХУСУСИДА Мусаева Барно Мўминжоновна.	143
29.	THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF JADIDISM IN TURKESTAN Khusanboyev M.A.	147
30.	МУНАВVAR ҚОРИНИНГ ЖАДИДЧИЛИК ФОЯЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ Бахронова Озода.	150
31.	AHMAD DONISH IJODIDA MA’RIFATPARVAR VA MA’NAVIY G’OYALARING SHAKLLANISHI. Muminov Azizbek Ziyoviddiovich.	155
32.	TURKISTONDA JADIDCHILIK FAOLIYATI Usmonaliyeva Madina Komiljon qizi.	160

**II - ШЎЬБА. ТАРАҚҚИЙПАРVARЛАРНИНГ МИЛЛИЙ  
ДАВЛАТЧИЛИКНИ ТИКЛАШ УЧУН ҲАРАКАТЛАРИ ВА ТУРКИСТОН  
МУХТОРИЯТИ ФАОЛИЯТИ.**

33.	ЖАДИДЛАРНИНГ “МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ” ТАШКИЛОТИ ВА УНИНГ ВИЛОЯТЛАРДАГИ БЎЛИМЛАРИ ФАОЛИЯТИ Хошимов С.А.	165
34.	БУХОРО МАҲАЛЛИЙ МАТБУОТИДА МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ ҚОТИЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (“БУХОРО АҲБОРИ” ВА “ОЗОД БУХОРО” ГАЗЕТАЛАРИДАГИ МАТЕРИАЛЛАР АСОСИДА) Ҳайитов Шодмон Аҳмадович, Раҳмонов Камол Жамолович.	173
35.	МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАҶРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ Мамадалиев Немат Қаҳорович.	179
36.	IJTIMOIY DAVLAT QURISHDA JADIDLARNING ILM-FAN VA MA’RIFAT HAQIDAGI QARASHLARINING AHAMIYATI Xoliqov Lazizjon Maxmud o‘g‘li.	184
37.	МУНАВVAR ҚОРИНИНГ МУСТАМЛАКАЧИЛАР ФОЯСИГА ФАОЛ ҚАРШИ КУРАШИ Нажмиддинов Фазлиддин Насриддинович.	188
38.	TURKISTON IJTIMOIY-SIYOSIY TAFAKKUR RIVOJIDA MAHMUDXO‘JA BEHBUDIYNING O’RNI Alimov Akbar Narboyevich.	192
39.	MA’RIFAT YO’LIDA QURBON BO’LGANLAR Sharipova Nargizxon Abduqaxxorovna.	196
40.	JADIDCHILIK HARAKATI VA UNDA IBRATNING FAOLIYATI Rafikova Dilafruz Kaxxoralialiyeva, Azimov Ulug’bek Abduxalilovich.	200
41.	JADIDCHILIKDA ASHURALI ZOHIRIYNING O’RNI Gafurova Surayyo Ulug’bekovna.	203
42.	JADIDLARNING MILLIY MA’RIFIY ISLOHOTLARGA QO’SHGAN HISSALARI Abbosova Shoxida Turdaliyevna.	208